
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 211 (8201). ● 7 ноябрь, 1983 йил ⊙ ДУШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.



УЛУҒ ОКТЯБРГА ШОН-ШАРАФЛАР

«ЗАРУРЛИГИ тўғрисида большевиклар ҳамма вақт гапириб келган ишчи ва деҳқонлар революцияси амалга ошди... Бундан буён Россия тарихида янги палла бошланди, бинобарин, ҳозирги, учинчи рус революцияси оқибат натижада социализм ғалабасига олиб келиши керак». Ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советининг 1917 йил 25 октябрда (7 ноябрь) бўлган мажлисида, Муваққат ҳукумат эндигина ағдарилган бир пайтда В. И. Ленин қилган башорат нақадар тўғри эканлигини тарих исботлади.

Улуғ Октябрь кўтарган социализм байроғи мана 66 йилдан буён бутун инсоният келажагининг тимсоли сифатида ер курраси узра мағрур ҳилпираб турибди. Совет кишилари жонажон Коммунистик партиямиз раҳбарлигида, шонли Октябрь байроғи остида жаҳонда биринчи социалистик жамиятни қурдилар, тарихнинг оғир синовларидан муваффақиятли ўтдилар, жанг ва курашларда тобланиб, порлоқ келажак — коммунизм сари дадил одим отмоқдалар.

ХХ асрнинг энг асосий воқеаси ҳисобланган Улуғ Октябрь — инсоният баҳори, биз — совет кишилари учун бахт ва иқбол тонгги бўлди. Афсонавий «Аврора» садолари таг-томири билан чириган адолатсиз тузумни қулатибгина қолмай, эркинлик, ҳурлик, биродарлик, бахт-саодат йўлини очиб берди. Бутун жаҳон буюк Ватанимиз тимсолида социализм афзалликларини, унинг кўҳна дунё тарихида бирорта тузум ҳам халқ учун бераолмаган ҳақ-ҳуқуқларни амалда таъминлаганлигини кўриб турибди.

Бу — эртанги кунимизга комил ишонч, мустаҳкам гарантияланган меҳнат қилиш ҳуқуқидир. Бу—бепул илм олиш, даволаниш, ҳунар-касб эгаллаш ҳуқуқидир. Бу — тарихда мисли кўрилмаган, буюк социал аҳамият касб этган коллективизм, ўртоқлик, ўзаро дўстона ёрдам принципларига асосланган инсонлар ўртасидаги янги муносабатлардир. Бу—кенг меҳнаткашлар оммасининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаол иштирокидир.

Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни—СССР Конституцияси тантанали равишда мамлакатимизда бутун ҳокимият халқникидир, деб эълон қилди. Советларга сайланган юздан ортиқ миллат ва элатга мансуб 2,3 миллион халқ депутатининг давлатимизни бошқаришда амалда бевосита иштирок этаётганлиги бунинг далилидир.

Ғолибона инқилобдан сўнг Советлар Ватани босиб ўтган шонли йўл — янги жамият кашшофларининг қаҳрамонона йўли мазмуни ва моҳияти жиҳатидан асрларга тенгдир. Мамлакатимизда социалистик революциянинг энг асосий ва ғоят мураккаб вазифаси — бунёдкорлик вазифасини ҳал этишда тарихий ғалабаларга эришилди. Ибтидоий устахона ва кичик корхоналардан саноат гигантларигача, тарқоқ деҳқон хўжаликларидан юксак механизациялашган социалистик қишлоқ хўжалигигача, омманинг асрий қолоқлиги, саводсизлиги ва маънавий асоратидан илғор фан ва маданиятнинг олий чўққиларигача — мана тараққиётимизнинг кўламлари!

Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз кўчаларини тўлдирган байрам колонналари узра ҳилпираётган алвонларда ҳам буюк бунёдкорлик ишларимиз ўз аксини топиб турибди. Қутлуғ саналарни меҳнат зафарлари билан нишонлаш ажойиб анъанасига содиқ совет кишилари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) ва июнь (1983 йил) Пленумлари тарихий қарорларида белгилаб берилган улуғвор яратувчилик режаларини изчил амалга ошираётирлар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗДИРИНГИЗ!

1983 ЙИЛ ПЛАНИНИ, XI БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАРЧА КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА БАЖАРАЙЛИК!

КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларида янграган бу сўзлар барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари жиддий куч-ғайратларини янада жўш урдириб юборди.

Областимиз индустрияси шу йил ўн ойлик планини муддатидан илгари бажариб, қўшимча равишда 78 миллион сўмлик, социалистик мажбуриятда белгиланган 8 миллион сўмлик кўп саноат маҳсулотлари реализация қилди. Ўн биринчи беш йиллик бошидан буён эса планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 280 миллион сўмликдан ортиб кетди. Улкан шодиёна арафасида яна минг-минглаб меҳнаткашлар шинам ва кўркам уйларга кўчиб ўтдилар.

7 ноябргача шахсий беш йиллик ҳамда 1983 йил планларини бажариб қўйган ишлаб чиқариш илғорлари, новаторларимиз ўз бурчларини ҳалол ўтаётганликларидан, меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатаётганларидан ҳақли равишда фахрланиб байрам колонналарининг биринчи сафларидан жой оладилар.

Азамат қишлоқ меҳнаткашларимиз Ватанимиз бойлигига-бойлик қўшиш, халқ дастурхони ноз-неъматларга тўкин бўлиши учун сабот ва матонат билан фидокорона меҳнат қилаётирлар. Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги арафасида пойтахт области пахтакорлари 400 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» хирмонини уйиб, дастлабки довонни эгаллаш бўсағасида турибдилар. Бўка ва Коммунистик, Оққўрғон районлари, ўнлаб хўжаликлар, юзлаб бўлим ва бригадалар социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилаётган областимиз деҳқон ва соҳибкорлари давлатга ғалла, қаноп пояси, мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка сотиш юзасидан беш йиллик марказий йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини знёдаси билан бажариб қўйдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан сўнг Совет ҳокимияти қабул қилган биринчи ҳужжат тинчлик ҳақидаги Декрет бўлган эди. Шундан буён ўтган 66 йил мобайнида КПСС ва Совет давлати ленинча тинчликсевар сиёсатига содиқлигини бутун дунёга намойиш қилиб келди ва келмоқда.

Бунинг янги далили — партия XXVI съездида қабул қилган 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программасидир, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг яқинда эълон қилинган Баёноти ва «Правда» газетаси саволларига жавобларида ўз ифодасини топган янги совет тинчлик ташаббусларидир.

Социализм байроғига тинчлик сўзлари битилгандир. У бутун инсониятнинг энг эзгу орзу-умидлари сифатида уларни ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашга руҳлантириб турибди. Совет кишилари социализмнинг ана шу бунёдкорлик ва тинчлик байроқлари остида бугунги шонли байрамни кенг нишонлайдилар.

— ЯШАСИН УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИ!

— ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР — СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМ ТАНТАНАСИ ДАВРИНИ ОЧГАН УЛУҒ ОКТЯБРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

ЯШАСИН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ! ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БИРЛИГИ, УЛУҒ ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ — БАРЧА ҒАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ ГАРОВИДИР!

ЯНА 4,2 МИНГ ТОННА УЧУН

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Оққўрғон райони пахтакорлари кеча ғалаба рапортига имзо чекишди. Она-Ватанга 60800 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ҳосилнинг 80 процента биринчи сортларга топширилди. Жами йиғиштириб олинган пахтанинг 46 минг тоннаси эса машиналар ёрдамида терилди.

«Ленинизм», Навоий номли, Охунбобоев номли, «Коммунизм» колхозлари, «Оққўрғон», Сегизбоев номли совхозлар планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан оққўрғонликлар давлатга яна 4,2 минг тонна пахта сотишга, ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга ахд қилишди.

(Оққўрғонликларнинг меҳнат ғалабасига бағишланган материаллар газетанинг навбатдаги сонларидан бирида берилади).



Ўртоқ Михаил Сергеевич СОЛОМЕНЦЕВга

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби бўлган Сизни етмиш ёшга тўлган кунингизда астойдил табриклайдилар.

Михаил Сергеевич, Сизга совет халқининг бахт-саодати йўлида, мамлакатимизда коммунизм тантанаси йўлида сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва янада самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПАРТИЯ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ М. С. СОЛОМЕНЦЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА ИККИНЧИ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Михаил Сергеевич **Соломенцев Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1983 йил, 5 ноябрь.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1983 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ — **№ 255** — **МОСКВА ШАҲРИ**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Прапорщик ва мичман ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!
Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг жангчилари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини тантанали нишонламоқдалар.

Мамлакатимиз Улуғ Октябрь байрамини меҳнаткашларнинг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасидаги юксак сиёсий активлиги ва илҳомбахш меҳнати вазиятида кутиб олмоқда. Партия белгилаган социал-иқтисодий ўзгартишлар программаси сабот билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз турмушнинг ҳамма соҳаларида такомиллаштириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан ва амалга оширилаётган тадбирлар экономикани ривожлантиришга ва халқ фаровонлигини оширишга самарали таъсир қилмоқда.

Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар билан биргаликда ядро урушининг олдини олишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, барча давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган ленинча ташқи сиёсатни қатъият ва изчиллик билан ўтказмоқда. Империализм кучлари ва аввало АҚШ, унинг НАТОдаги иттифоқчилари халқаро ишларда ошкора урушқоқлик, авантюрачилик йўлини ўтказмоқдалар. Улар авж олдириб юборган мислсиз қуролланиш пойгаси, АҚШнинг Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштириш муддаоси, империалист реакцион кучларнинг бошқа давлатлар ишларига бевосита аралашуви тинчликка таҳликали хавф солмоқда.

Мана шундай шароитда Коммунистик партия билан Совет давлати мамлакатимизнинг, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, империалистик реакция агрессив кирдикорларини тийиб турувчи қудратли омил — СССР Қуролли Кучларининг жанговар қудратини ошириш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Совет халқи, армия ва флот жангчилари Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаб ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети, ўртоқ Ю. В. Андропов бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Совет Қуролли Кучлари Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар қардош армиялари билан ягона жанговар сафда туриб, совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини, социализмнинг улуғ революцион ғалабаларини қўриқламоқдалар, ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажаришга доим тайёрдирлар.

Армия ва флот жангчилари, ўртоқлар!
Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!
Сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги билан табриклайман. Армия ва флот жангчиларига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий маҳоратни такомиллаштиришда, интизомни мустаҳкамлашда, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилишда сергаклик ва доим тайёр бўлиб туришда янги муваффақиятлар тилайман.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 7 ноябрь, маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида тўплардан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб, байрам салюти берилсин.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа министри
Совет Иттифоқи маршали
Д. УСТИНОВ.

ТОШКЕНТ, 1917 ЙИЛ, ОКТЯБРЬ

1917 йил 13 сентябридаёқ Тошкентда ҳокимият Вақтли революцион комитет ва Тошкент Совети ижроия комитети қўлига ўтган эди. Тошкент Совети 12 кун давомида ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб турди. Керенский бу ерга юборган жазо экспедицияси ишчи ва солдатлар ҳокимиятини ағдарди.

Аммо шунга қарамай сентябрь воқеалари большевиклар партиясининг омма ўртасидаги обрў-эътибори ва кучини синаш имтиҳони бўлди ҳамда бўлғуси ғалабага замин ҳозирлади.

Жазо экспедициясининг қўмондони генерал П. Коровиченко ҳам шаҳар большевиклари кучини ўзида синаб кўрди.

27 октябрда Петрограддаги революция ҳақидаги хабарни олган Коровиченко қатъий ҳаракат пайти келганини сезиб, шаҳарда ҳарбий ҳолат эълон қилди. 28 октябрга ўтар кечаси унинг буйруғи билан юнкер ва казаклар «Озодлик уйи»ни қуршаб, Тошсовет ижроия комитети беш аъзосини, ўлка Совети раиси, сўл эсер К. Я. Успенский, ўлка Совети аъзоси большевик А. А. Казаковни қамоққа олди. Уйқуда ётган 2-Сибирь полки солдатлари ҳам ўраб олиниб, қуролсизлантирилди. Аммо тайёрланган қўзғолонга қарши кўрилган бу тадбирлар фойда бермади.

28 октябрь тонгида Ўрта Осиё бош темирйўл устахоналаридан янграган гудок қуролли қўзғолон бошланганидан дарак берди. Тошкентдаги кучлар нисбати тенг эмас эди. Коровиченко тарафида прапоршчиклар мактаби, ҳарбий билим юрти, 17-казак полки, броневиклар, 6-Оренбург казак полки, 21-отлиқ еттисувлик рота, ўзбек бойлари, амалдорлари фарзандларидан иборат «мусулмон батальони» бўлиб, уларга қарши революцион кучлари 2500 кишидан иборат ишчи дружиналари, 1-Сибирь полки, икки тўпли мортира батареяси, 27- ва 28-енгил икки тўпли батареялар, икки запас дружина ташкил этарди.

Аммо қўзғолончилар руҳи тетик эди. В. С. Ляпин, А. Я. Першин каби ташкилотчи большевиклар раҳбар бўлган Революцион комитет қўзғолоннинг ташкилий уюшқоқлигини таъминлади. Разведка, баррикада, озиқ-овқат, санитар отрядлари тузилиб, Қўйлиқ шоссеси, осма темир йўл кўпригида, Духовской, Новостроуев каби кўчаларда баррикадалар қад кўтарди. Эски шаҳар меҳнаткашлари ҳам Шайҳонтоҳур даҳасида баррикадалар қуришда қатнашди, қўзғолончиларни озиқ-овқат билан таъминлади, уларга ёрдам учун қуролли дружина тузди. Қўзғолончиларнинг биринчи қўмондони қилиб ишчи токарь Д. Помогайбо тайинланди, сўнг солдат-большевик Г. М. Дунаев ва прапоршчик С. К. Стасиков ҳарбий операцияларни бошқарди.

Сон ва сифат жиҳатидан устун Коровиченко қўшини қўли баланд келиб Первушин, Эски госпиталь, Духовской ва бошқа кўприкларни эгаллади. Қўзғолончилар беҳисоб ҳужумларни матонат билан қайтариб туришди. Қўзғолоннинг иккинчи куни ҳам кескин жанглар билан ўтди. Первушин кўпригига оқлар тўп келтириб, 1-Сибирь полки казармалари ва казак слободасига снарядлар ёғдиришди.

Эски шаҳар милицияси комиссари штабс-капитан Худоёрхонов гимназия ўқувчилари, амалдорлар, савдогарларга қурол тарқатиб оқларга ёрдам берди. 29 октябрда қўзғолончилар Петрограддаги қуролли қўзғолон ғалабаси ҳақидаги хабарни эшитиб руҳланиб кетдилар. 17-Оренбург казак полки тор-мор қилинib, бир броневик сафдан чиқарилди. Қўзғолончилар сафида рус ишчи ва солдатлари қаторида У. Мирзаев, Ҳ. Тошмуҳамедов, Ф. Тоиров, А. Иброҳимов, Т. Убайдуллаев, К. Азимов, Т. Эшонхўжаев, Ш. Холмуҳамедов каби ўзбек ишчилари ҳам вақтдан кейин кўрсак, ўша тарафда қўл жанги бошланиб кетаёзибди. Аниқлашимизча, қуролланган ўзбек отряди орқадан бўлғуси прапоршчикларга ҳужум қилиб, жанг билан бизга қўшилмоқчи. Биз ўртоқларга зудлик ила кўмакка шошилдик ва оқларни қалъага ҳайдаб, бизга жуда вақтида ёрдами асқотган Эски шаҳар пролетариати билан бирлашдик. Бу Эски шаҳар ҳунармандлари Союзи аъзоларидан ташкил топган отряд эди».

30 октябрдан 31 октябрга ўтар кечаси Тошкент Совети ижроия комитети, ўлка Совети ва Революцион комитетнинг қўшма йиғилишида контрреволюция кучларини тор-мор этиш плани қабул қилинди. Эрта тонгдан ишчи ва солдатлар ҳужумга ўтишди. Уларга Самарқанддан ёрдамга келган революцион отряд қўшилди. Оқлар отрядларидан бири Эски шаҳарга чекиниб, маҳаллий аҳоли қурган баррикадага тўқнаш келди ва ноилож таслим бўлди. Тез орада почтамт, телеграф, «Оқ уй» ишғол қилиниб, оқларнинг қолган-қутган қисмлари ҳарбий қалъа — Тупроққўрғонга яширинди.

Контрреволюциянинг сўнгги таянчини штурм қилишда ўзбек ишчилари ҳам қатнашди. Коровиченко таслим бўлиш ҳақидаги таклифга «Тошкентни қонга ботирсам ботираман, лекин Муваққат ҳукумат ҳокимиятини большевикларга топширмайман» дея жавоб қайтарди. Аммо Тупроққўрғонга тўплардан ўт очилгач, жони ширин юнкерлар генерал фикрига қарама-қарши таслим бўлишга қарор қилишди.


Қалъа дарвозалари очилиб, революция жангчилари тантана билан Тупроққўрғонга киришди. Муваққат ҳукумат ҳокимияти ағдарилиб, шаҳар узра ғолиб революция байроғи ҳилпиради.

1 ноябрда телеграф ҳокимият ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети ижроия комитети қўлига ўтганини хабар қилди.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

ТАРИХДАН БИР ЛАВҲА

ТАШАББУСКОРЛАР ҲИСОБ БЕРАДИЛАР



ЭНГ БАЛАНД БИНОЛАР ҚУРАМИЗ

ҚЎҲНА ва навқирон Тошкентимизнинг бугунги қиёфаси нақадар кўркам ва жозибали. Айниқса, Улуғ Октябрь байрами арафасида янада латофатли. Ҳа, эндиликда унинг гўзал қадди-қоматига боқар экансан, баҳрингнинг очилади, қурувчи бўлганлигинг, шаҳардаги бунёдкорлик ишларига озми-кўпми ҳисса қўшганлигинг учун ҳам ғуруринг ортади.

Бизнинг коллективимиз қурган уй-жойлар, маъмурий ва маданий-маиший бинолар ўзининг баландлиги, осмонўпарлиги билан ажралиб туради. Бу иморатлар шаҳримизга салобат бахш этмоқда. Бундай биноларни қуришга киришганимизга ҳам йигирма йилча бўлиб қолди. Эндиликда уларни шаҳримизнинг барча районларида кўриш мумкин.

Комплекс бригадамиз аъзолари қатор шундай объектларни барпо этишда иштирок этдилар. Шу кунларда республикамиз министрликлари ва идораларида ҳисоб-китоб ишларини енгиллаштиришга хизмат қиладиган йирик математик ҳисоблаш марказини қуришда иштирок этаяпмиз. Бу ноёб бино шаҳримиз ҳуснига яна бир ҳол бўлиб тушади.

Коллективимиз бу марказнинг белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши учун барча ҳамкасблари қатори фидокорона меҳнат қилмоқда. Шунинг учун ҳам иш кўрсаткичлари дуруст бўлаяпти. Топшириқларни доим ортиғи билан бажараяпмиз. Улуғ Октябрь байрамининг 66 йиллигини ҳам муносиб нишонламоқдамиз. Уни йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини бажариш билан кутиб олдик. Биз бу байрам шарафига борган социалистик мусобақада қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам зўр ғайрат-шижоат билан ишлаймиз.

Ҳ. ҚОРАБОЕВ,
11-«Висотстрой» трести комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МАҲСУЛОТИМИЗ — БАРАКА МАНБАИ



ХАЛҚИМИЗНИНГ ҳаётимизга чуқур сингиб кетган ажойиб анъаналари бор. Тўйга тўёна билан келиш шундай анъаналарнинг биридир. Барча меҳнат аҳли қатори корхонамиз коллективи ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашди. Цехлар ва участкаларимизда шу қутлуғ сана шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетди ва яхши самара берди.

Мўъжизакор коллективимиз Улуғ Октябрга муносиб меҳнат совғалари билан келди. Шу йилнинг ўтган ойларида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш давлат плани ортиғи билан бажарилди. Қўшимча ўн минг тоннадан кўпроқ ер хамиртуруши етказиб берилди.

Бизнинг мижозларимиз сони ҳам тобора ортиб бораяпти. Бу йил икки юздан ортиқ буюртмачига маҳсулот етказиб бераяпмиз. Мўъжизакорларимиз пахтакорлардан ташқари Олтой, Красноярск, Хабаровск ўлкалари, Саратов ва бошқа қатор областлар ғаллакорларининг ҳам яқин кўмакчиси бўлиб қолишган. Биз юбораётган ўғитлар уларнинг дон ҳосилини ошириш йўлидаги курашларида ёрдам бермоқда.

Мен ҳам ўз меҳнатим билан жонажон республикам, қадрли коллективим меҳнатига денгиздан томчидек бўлса ҳам ҳисса қўшаётганлигим билан фахрланаман. Шу ҳалол меҳнатим қадримни оширяпти. Бу йил ҳаётимда катта қувончли воқеа бўлди. Менга область «Элексир» мукофоти берилди. Бу ғамхўрликка жавобан қанчалик унумли ва сифатли меҳнат қилсам ҳам кам. Шунинг учун ҳам бутун тажрибам, маҳорат ва билимимни сарфлаб ишлайвераман. Корхонамиз маркаси, маҳсулотимиз шуҳратини оширишга баҳоли қудрат кўмаклашишни муқаддас бурчим деб ҳисоблайман.

В. ГЕРАСИМОВА,
Олмалиқ химия заводи аппаратчиси, область «Элексир» мукофоти лауреати.

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА



КАСБИМ шофёрлик. Ёш йигитлик вақтимда танлаганман уни. Ўша вақтда мени бу йўлга романтик туйғулар, ҳавас бошлаб келган бўлса, кейинчалик унга жуда кўниниб кетдим. Эндиликда ҳаётимни усиз тасаввур қилолмайман. Чунки шу касб туфайли ҳамкасбларим ўртасида обрў-эътибор қозондим, кўпчиликнинг оғзига тушдим.

Шу касбни эгаллаганим билан ҳар қанча фахрланишга ҳаққим бор. Айни вақтда уни улуғлашга, шуҳратини оширишга ҳам астойдил, виждонан интиламан. Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик планни бажариш юзасидан ғашаббус бошланганда унга бажонидил қўшилдим. Ҳозир шу ваъданинг уддасидан чиқиш учун бутун маҳоратим, тажрибам ва билимимни сарфлаб ишлаяпман.

Шу туфайли ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини муносиб нишонламоқдаман. Меҳнат календаримда ўн иккинчи беш йиллик ҳам бошланди. Йил бошидан бери пландагидан ташқари белгиланган манзилларга бир неча минг тонна юк етказиб бердим.

Унумли меҳнатнинг асоси автомашинага техника қаровни яхшилигида деб биламан. Мен машинамни доим эҳтиёткорлик билан ҳайдайман. Ҳар куни ҳаракатланувчи қисмларини кўздан кечириш, уларни созлаш одатим бўлиб қолган. Шунинг учун ихтиёримдаги юк автомашинасининг капитал ремонтсиз узоқ муддат ишлашига эришаяпман.


Улуғ Октябрнинг тантаналаридан сўнг яна эркин меҳнат қўйнида бўлиб, янги-янги марраларни эгаллаш учун курашни қизғин давом эттирамиз.

Ҳ. АБДУЖАББОРОВ,
Бекободдаги 16-автокорхона ҳайдовчиси, Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗДИРИНГИЗ!

1983 ЙИЛ ПЛАНИНИ, XI БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАРЧА ҚУРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА БАЖАРАЙЛИК!

ЙИГИРМАНЧИ АСРНИНГ





РЕВОЛЮЦИОН ШОН-ШУҲРАТ ЖОЙЛАРИ

⊙ ТОШКЕНТ қалъаси контрреволюцион кучларнинг сўнгги таянчи эди. 1917 йил 1 ноябрда (14 ноябрь) қалъа ишчи ва солдатларнинг қуролли отрядлари томонидан штурм билан олинди ва шу тариқа Тошкентда Советлар ҳокимияти ўрнатилди. Суратларда: (юқорида) Тошкент қалъаси дарвозасининг кўриниши ҳамда бу ердаги революцион воқеалар битилган лавҳа; (пастда) Тошкентда граждонлар уруши йилларида ва босмачиларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Қизил Армия командирлари дафн қилинган жой.

ҲАЁТБАХШ ДЕКРЕТЛАР

1917 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ (8 НОЯБРЬ)

УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революцияси ғалаба қозонган дастлабки кунда Совет ҳокимияти қабул қилган биринчи Декрет — **«Сулҳ тўғрисидаги Декрет»** бўлди.

1917 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ (8 НОЯБРЬ)

СОВЕТЛАРНИНГ II Бутунроссия съездида **«Ер тўғрисидаги Декрет»** ҳам қабул қилинди. В. И. Ленин томонидан ёзилган бу ҳужжатга мувофиқ ерга помешчикларнинг хусусий мулкчилиги дарҳол, ҳеч қандай ҳақ тўланмай бекор қилинди.

1918 ЙИЛ 17 МАЙ

В. И. ЛЕНИН шу куни **«Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм пул чиқариш ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Декрет»**га имзо чекди.

1918 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ

СОВЕТЛАРНИНГ III Бутунроссия съезди В. И. Ленин томонидан ёзилган **«Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси»**ни қабул қилди. Бу декларациянинг қабул қилиниши Совет тузуми яратилишини мустаҳкамлади ва халқ ҳокимиятининг биринчи Конституциясига асос солди.

1920 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. И. Ленин Туркистон Давлат университетини (ҳозирги Тошкент Давлат университети) ташкил этиш тўғрисидаги Декретга имзо чекди.

1920 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ

ЛЕНИН ДАҲОСИ билан яратилган ГОЭЛРО ПЛАНИ Советларнинг VIII Бутунроссия съездида қабул қилинди. У Совет давлатининг дастлабки перспектив халқ хўжалик плани ҳисобланади.

ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

Районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари шонли Октябрь байрамини иқтисодий ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янги-янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Саноатчилар, қурувчилар, транспортчилар ўн ойлик топшириқни муддатидан олдин адо этдилар, байрам шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларни тўла бажардилар.

Ҳозир районимизда саноат ишлаб чиқаришининг салкам 20 тармоғи барқ уриб ривожланмоқда. 25 га яқин саноат корхонаси ишлаб чиқараётган турли хил маҳсулотлар иттифоқимиз оша чет элларда ҳам машҳурдир. Уларни кўриб киши қалби беихтиёр қувончга тўлади.

Бугунги кунда районимизда 125 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Улар 25 миллат вакилларидир. Коммунистик мул-кулчилик яратишда барча миллат фарзандлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Районимиз истиқбол сари дадил одим отиб бормоқда. Бугунги айёмда босиб ўтган йўлимизга бир назар ташлаб, тарихан қисқа вақт ичида нақадар улкан ишлар бажарилганлигининг шоҳиди бўламиз.

Коммунистлар қайноқ ҳаётнинг ҳамиша олдинги сафларида бўлдилар, кишиларни доимо ҳақрамонликларга илҳомлантирдилар. Улар ҳозирги кунда ҳам ўз постларида ғайрат билан меҳнат қилиб гражданлик, партиявий бурчларини садоқат билан ўтамоқдалар.

Кекса авлод вакиллари 30-йилларни яхши эслашади. Ўшанда коллективлаштириш ишлари поёнига етиб қолган эди. Энди эса янги ерлар очиш, пахтачилик, ғаллачиликни тез суръатлар билан ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилганди. Совет Армияси сафидан янги қайтган ёш коммунист Ким Пен Хва ўртачирчиқлик биродарларига бош бўлиб, тўқайзорлар устига юриш бошлади. Техника йўқ, зовур қазиш, нам қочириш ишлари асосан қўл кучи билан бажариларди. Бу курашда коммунистлар ҳамиша олдинги сафларда бордилар, бошқаларни олға етакладилар. Улар янги ерлар очиб, янги колхоз тузишди. Ким Пен Хва шу хўжаликка раҳбарлик қилди.

Ташаббускор коммунист, моҳир ташкилотчи, уста пахтакор Ким Пен Хва умрининг охиригача совет Ватанига, совет халқига садоқат билан меҳнат қилди.

Ветеран коммунистлар босиб ўтган йўл ҳар бир йигит-қиз, ҳар бир замондошимиз учун намуна йўлидир. Ветеранлар орасида дастлабки беш йилликларнинг қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, тинч давр бунёдкорлари бор. Ҳозир районимизда 11 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларидан бири уста пахтакор, моҳир мураббий Охунбобоев номли колхоз раиси Миразиз Рўзиматовдир. Миразиз ака районимиздаги энг катта, энг бақувват хўжаликлардан бирига раҳбарлик қилмоқда.

Илғор хўжаликлар район меҳнаткашлари эришаётган ютуқларга ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар. Бу йил район пахтакорлари 50 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Бу курашдан ҳеч ким четда қолаётгани йўқ. Йиғимтерим айни қизиган чоғда районимизнинг 40 га яқин партия ва меҳнат ветерани Свердлов номли колхозининг 3-бригадасига тўпландилар. Бу бригадага Ҳасан Ташенов раҳбарлик қилмоқда. Коллектив аъзоларининг барчаси комсомол йигит-қизлардир. Улар ветеранлар суҳбатини мароқ билан тингладилар. Сўнг отахонлар йигит-қизларни ёнига олиб пахтазор томон юрдилар. Икки авлод вакиллари карталарда мусобақалашиб, пахта тердилар.

Ветеранларнинг бу ташаббуси тезда бутун районга ёйилди. Бошқа хўжаликларнинг партия ва меҳнат ветеранлари ҳам пахта йигим-теримига отландилар. Улар ҳам ўзларининг баҳоли қудрат теримчиларга ёрдам кўрсата бошладилар.

Бугунги айёмда биз партия ва меҳнат ветеранларини чин қалбдан қутлаймиз. 1929 йилдан КПСС аъзоси Қурбон Тошев, 1930 йилдан КПСС аъзоси Ермакбой Бойсеитов, Тилов Умаров, Шин Гер Лен ва бошқалар ўтган йили «КПСС сафида 50 йил» нишони билан тақдирланган эдилар. Бу эътибор отахонлар кучғайратини яна ҳам ошириб юборди. Улар қудратли ишларга ҳамиша ўзларини сафдошлар деб билмоқдалар. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қарорларини бажаришда бизга мададкор бўлмоқдалар.

У. МУСЛИМОВ,
Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари.




ОКТЯБРЬ революцияси номидаги Тошкент тепловоз-ремонт заводи революцион анъаналарга бой корхонадир. Собиқ темирйўл устахонаси ишчилари Тошкентда совет ҳокимиятини ўрнатишда актив иштирок этган эдилар. Ҳозир заводда инқилоб кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил қилинган.

Суратларда: (чапда юқорида) пионерлар завод музейида; (ўнгда) Пролетариат доҳийси В. И. Ленинга Ўзбекистонда ўрнатилган биринчи ҳайкал; (чапда пастда) ҳайкал пойидаги мангу олов ёнида.

В. Портнов фотолари.

ОҚСОҚОЛНИНГ ҚАДАМИ ЕТГАН...





УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ нурафшон қуёши халқимизга қанчалар тинч ва фаровон турмуш келтирганини, кўп миллатли совет қишиларининг ягона оила фарзандларидек уюшган ҳолда янги-янги меҳнат зафарларига эришаётганини, бу билан эса Ватанимиз бойлигига бойлик қўшиб, унинг куч-қудратини ошираётганини биргина бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Коллективлаштириш даврининг «қалдирғоч»ларидан ҳисобланган колхозимиз ўтмишига назар солар эканмиз, кўз олдимизда ҳар ер—ҳар ерда тартибсиз қурилган лой томлик кичик уйлар, ўнқир-чўнқир тупроқ кўчалар гавдаланади. Ўша вақтларда қишлоқда ягона дизель қурилмаси бўлиб, у ҳам кундузи тегирмонга, кечалари эса айрим яқин-атрофдаги хонадонларга электр қуввати берарди.

Хўжаликда дастлаб шоли ҳамда қисман пахта етиштирилган. Ана шу даврларда техника воситаларининг йўқлиги туфайли асосий ишлар қўл кучи билан бажариларди. Шоли ҳосилдорлиги ҳар гектар ер ҳисобига 20—22 центнер, пахта эса 12—14 центнердан ошмасди.

Жонажон партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари меҳнатини илғор фантехника ютуқлари асосида тўғри ташкил этишлари, уларнинг турмуш маданиятини ошириш борасидаги оталарча ғамхўрлиги туфайли хўжалигимиз юксалди, оёққа турди. Ҳозирда эса кўп тармоқли, нктисодий бақувват колхозга айланди. Хўжаликка республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев номи берилган. Бу бежиз эмас. Колхоз ветеранлари ҳали-ҳали у кишининг тез-тез хўжалик деҳқонлари ҳузурида бўлганларини, уларга ер билан муомала қилишда қимматли маслаҳатлар берганларини эслашади.

Ҳозир деҳқонларимиз 40 та чопиқ трактори, 31 та пахта териш машинаси, 18 та ҳайдов трактори, 20 та транспорт трактори, 40 га яқин автомашина ва бошқа кўплаб машина-механизмларга эгадирлар. Хўжаликнинг тикланиш даврида ўзларининг бутун умрларини колхоз қурилишига бағишлаган Ҳолиқул Абдуқулов, Турди Арслонова, Абдулла Содиқов ва Раҳмат Оқбоев сингари ҳурматли ветеранларимиз ҳозир ҳам дала меҳнаткашларидан ўз маслаҳатларини, оғир пайтларда эса амалий ёрдамларини аямай келишаётир.

Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига лаббай дея жавоб берган хўжалигимизнинг барча меҳнаткашлари ҳосил йиғим-теримида жонбозлик кўрсатаётир.

Хўжалигимиз замонавий қудратли техника воситалари билан таъминланганлиги, тадбиркор ва малакали кадрлар сафи кенгайганлиги туфайли кўплаб янги ерлар ўзлаштирилди. 500 гектарга яқин тўқай зона, 250 гектар тошлоқ ер ва 150 гектардан зиёд қир-адрлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Ҳозирги пайтда 1570 гектар майдонга пахта, 140 гектар ерга беда, 250 гектар ерга дон учун маккажўхори, 20 гектар жойга сабзавот ва 15 гектар ерга полиз экинлари экилмоқда.

,50 гектар ерда боғимиз бор. Барча турдаги деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича зиммага олинган план ва социалистик мажбуриятларимизни муддатидан илгари бажардик.

Шунингдек, давлатга пахта сотиш йиллик плани ҳам уддаланди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 31,2 центнерданга тўғри келди. Бу меҳнат муваффақиятимизга ҳозиргача ҳар гектар ердан 38—40 центнердан ҳосил олиб, йиллик планларини ортиғи билан бажарган Норинбой Ҳасанбоев, Ҳошим Қундузов, Раҳмон Файиқов, Тўлаган Исақулов, Умар Ваҳобов ва Ниёз Турғунбоев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригада коллективлари муносиб улуш қўшишди. Айни кунларда биз 40 центнерлик марра учун курашни авж олдириб юборганмиз.

Хўжаликда ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайиб, деҳқонларнинг моддий манфаатдорликлари ҳам ортиб бораяпти. Ҳозирда ҳар бир колхоз аъзоси ўртача 280—300 сўмга яқин ойлик иш ҳақи олади.

Кейинги йиллар мобайнида қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Айниқса, 1960 йиллардан кейин қишлоқларни ягона бош план асосида қайта қуриш кучайтирилди. Бу яхши натижалар берди. Ҳамма хонадонлар электр қуввати, водопровод сув ва газ билан таъминланган, кўчалар асфальтланган. Мактаб, болалар боғчаси, касалхоналар ишлаб турипти. Келгусида ободончилик ва қурилиш ишларига эътибор янада кучаяди.

Н. АБУЛҚОСИМОВ,
Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

М. Т. ОЙБЕК НОМЛИ Ўзбекистон халқлари тарихи музейида Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга онд жуда кўп қимматли ҳужжатлар мавжуд. Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги арафасида тошкентликлар ва шаҳар меҳмонлари музейнинг ана шу экспозицияларн билан қизиқиб танишдилар. Суратларда: (юқорида) музей кўриниши; (пастда) Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишга бағишланган экспозиция олдида.

В. Портнов фотолари.

БИЗНИНГ ТАРИХ

Биз деганда—сен ҳам,
мен ҳам, у ҳам—биз!
Бир хонадон—бир
тақдирга, эга—биз!
Октябрь сабаб—сен ҳам,
мен ҳам, у ҳам—биз!
Аҳил—иноқ, иттифоқда
ўсган биз!
Ким бизга шум назар
солди—лол қолди,
Зирҳ солдик сен ҳам,
мен ҳам, у ҳам—биз!
Ким бизга хатар солди—
ҳанг-манг толди,
Ғолиб келдик сен ҳам,
мен ҳам, ҳаммамиз!

Бизнинг тарих—янги тарих,
билсангиз,
Ғилдирагин ортга ҳеч ким
буролмас,
Истиқболга хизмат қиларсиз
не иш қилсангиз,
Шаштимизга душман туриб
беролмас.

Нур эмади олам—жаҳон,
бизлардан—
Оламийлик касб этолган—
ҳаммамиз!
Юз ўгирмас олам—жаҳон—
ҳаммамиз!
Одамийлик касб этолган,—
ҳаммамиз!

Октябрдир давру
давроннинг нури,
Дорилмамон яшайдиган
замон у.
Октябримиз миллионларнинг
тақдири—
Миллиард қалблар
туташгучи замин у.

Уқиш, ўсиш, меҳнат билан
тобланиш,
Омадёрлик одатимиз —
бу аниқ.
Саодатнинг сарватида
тебраниш,
Бахтиёрлик, машъаласи
мангуга ёниқ!..

Воҳид АБДУЛЛА,
академик.

САРХИЛИ ДАСТУРХОНИНГИЗГА

ИШЧИ ВА ДЕҲҚОН ҳамкорлигини, Уроқ ва Болға иттифоқини қарор топтирган Буюк инқилоб қўёши Ватан қудрати ва халқлар фаровонлигини оширди йўлини 66 йилдан бери маёқдек ёритиб турибди. Ўзи ҳам, меҳнати ҳам ана шу оламшумул тарихий воқеа туфайли озодликка чиққан деҳқон мана бугун эл-юрт дастурхонини турлиноз-неъматларга тўкин-сочин қилмоқда.

Улуғ Октябрь байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш Калинин районн деҳқонларн ва чорвадорларининг энг яхши анъанасига айланган. Байрамолди меҳнат вахтасида туриб социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган деҳқонларимиз шу кунгача она-Ватанга 126 минг тоннадан зиёд сарҳил сабзавот, 9590 тонна мева, 9356 тонна узум 16 минг тонна картошка етказиб бердилар. Бу социалистик мажбуриятларда белгиланганидан ҳам анча кўпдир.

Эндиликда районимиз хўжаликларида ўнлаб уста сабзавоткор ва картошкакорлар, боғбон ва соҳибкорлар, моҳир чорвадорлар етишиб чиқди-ки, улар фан-техника ютуқларн ва илғор тажрибаларни кенг қўлланиш ҳисобига экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бормоқдалар. Жумладан, карамдан мўл ҳосил олиш мақсадида гибберелин препаратидан фойдаланиш кутилганидан ҳам зиёд самаралар бермоқда. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 80—100 центнерга ошмоқда. Помидорни экиш, парвариш қилиш ва озиқлантиришда механизацияни кенг қўлланиш ҳам ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминлаш билан бирга маҳсулот таннархини арзонлаштиришда қўл келяпти.

Меҳнатга ижодий ёндошаётган тажрибакор деҳқонлар бир ернинг ўзидан икки, ҳатто уч марта ҳосил олишаётир. Масалан, «Хасково» совхозининг Тожибой Деҳқонов бошлиқ бригадаси аъзолари 4 гектар майдонга эртаки картошка экиб, устига плёнка тортдилар. Кейинчалик плёнкалар йиғиштириб олингач, катор оралариға помидор кўчати экилди. Шундай қилиб, бир ернинг ўзидан бир йўла икки марта ҳосил олинди.

Бригадаларни айрим хўжаликларни экин турлари бўйича ихтисослаштириш яхши натижалар бераяпти. Айрим колхоз ва совхозларда картошка ҳосилдорлиги 280—300 центнерга кўтарилди.

Бригадаларда нарядсиз ишлаш системасини қўллаш, оилавий пудратни жорий этиш, юксак пировард натижага эришишнинг энг самарали йўли эканлигини амалда исботланди. Масалан, «Москва» колхозининг А. Раҳимов бошлиқ маккажўхоричилик бригадаси бу йил план бўйича 35 гектар ерга дон учун маккажўхори экди. Йил бошидаёқ коллектив етарли техника, ишчи кучи ва ўғитлар билан таъминланди. Гектаридан 65 центнердан, жами 2285 центнер ҳосил етиштириш планлаштирилди. Ой сайин аванс тариқасида бериладиган иш ҳақи ҳам белгилаб қўйилди. Шундан сўнг бригаданинг ҳар бир аъзоси пировард натижани кўзлаган ҳолда самарали меҳнат қилди. Натижада ҳар гектар майдондан 112 центнердан, жами 3920 центнер дон йиғиштириб олинди. Ортиқча топширилган маҳсулот учун 4509 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Ҳар бир кишининг ўртача даромади эса 2418 сўмданга тўғри келди.

Районимиз чорвадорлари ҳам байрамни салмоқли ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 6199 тонна гўшт, 7423 тонна сут, 44716 минг дона тухум етиштирилди. Ҳар бош сигирдан ўртача 3290 килограммдан сут соғиб олинди. Гўштга топширилаётган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 545 килограммдан, қўйларнинг тирик вазни эса 56 килограммданга тўғри келди.

План ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан бажарилган бўлса-да, далаларда иш давом этяпти. Кечки сабзавот ҳосилини йиғиштириб олиш билан бирга айрим карталар эртаги экин экишга тайёрланмоқда. Фермаларда эса чорва қишлови бошланиб кетди. Жамғарилган озуқа турларидан тежаб-тергаб самарали фойдаланиб, қиш ойларида ҳам маҳсулот етиштиришни камайтирмаслик чорвадорларимизнинг асосий мақсадидир.

Ж. ҲАЙДАРОВ,
Калинин район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси.

УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кеча Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида 1982 йил якунларига кўра социалистик мусобақада ғолиб чиққанларга Фахрий ёрлиқлар ҳамда пул билан мукофотлари топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Меҳнатда энг юқори кўрсаткичга эришган социалистик мусобақа илғорларига 12 та мотоцикл, 32 та рангли ва оқ қора тасвирли телевизор, 16 та радиоприёмник ҳамда китоблар комплектлари берилди. Мукофотланганлар орасида пойтахт области вакиллари ҳам бор.

Пискент районидаги Свердлов номли колхознинг Деҳқон Гулматов бошлиқ бригада аъзоларн ўтган йили пахта ҳосилдорлигини планда белгиланган 33 центнер ўрнига 50,1 центнерга етказишди. Йиллик план 151,8 процентга бажарилди. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 244 сўмни ташкил этди. 1 центнер пахтанинг таннархи 2 сўм 81 тийинга арзонлашди. Бу илғор бригада коллективига рангли телевизор ва Фахрий ёрлиқ топширилди.

Ана шундай мукофотни Олмалиқ химия заводининг экстракция цехи ишчилари ҳам қўлга киритдилар.

С. ЁҚУБОВА.

БУЮК ВОҚЕАСИ

ЯШАСИН СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТИНЧЛИКСЕВАР, ЛЕНИНЧА ТАШҚИ СИЕСАТИ!

СОВЕТ ТИНЧЛИК ПРОГРАММАСИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРАМИЗ!

БАЙРАМГА ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Республика ўрмончилари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш давлат планини Улуғ Октябрь революциясининг 66 йиллиги арафасида бажардилар.

Маҳсулот турини янада кўпайтириш, маҳаллий хом ашёдан буюмларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, товар турини ва сифатини яхшилаш, илғор технологияни жорий этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг деҳқонлари гектар бошига 1230 центнердан мўл озуқа ҳосили олдилар. Маккажўхори билан оқ жўхорини аралаш қилиб экиш натижасида шунга эришилди. Бу ерда биринчи ҳосил ёзда ўриб олинди. Шундан сўнг деҳқонлар далаларни озиқлантирдилар, суғордилар, культивация қилдилар ва экин яна униб чиқди.

(ЎзТАГ).

ИШЧИЛАР СУЛОЛАСИ

ТЎРТОВЛОН ОТА ИЗИДАН

ТАСАВВУР қилинг: қишлоққа келган биринчи трактор тупроқ кўчани чангитиб-гулдиратиб, одамлар юрагига ваҳима солиб ўтиб бораяпти. Бу «уйдек келадиган шайтон арава»ни кўрган қариялариинг айримлари бехтиёр пичирлаб калима келтиради, улардан ёшроқлар ёқасини ушлаган, болалар эса қийқириб трактор кетидан чопиб бормоқда.

— Мамарасул, буни каромати нима экан? — сўрайди бир қария шеригидан.

— Ер ҳайдармиш, бир ўзи йигирмата ҳўкизнинг ишини қилармиш! —• жавоб беради иккинчиси.

— Ол-а, ёлғонам эви билан-да!..

Бу суҳбат тўқима эмас, ҳақиқат. Яқин ўтмишдаги— ўттизинчи йиллардаги ҳақиқат. Шундан буён орадан ярим аср вақт ўтди. Қўҳна тарих учун ҳеч нима муддат эмас бу. Бироқ, Октябрь инқилобидан сўнг Совет тузумининг, социалистик жамиятнинг тараққиёти учун бу эллик йил ундан аввалги ўнлаб асрга татигулиқдир. Буни биз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Зеро, ўша ўттизинчи йилларда биринчи тракторни кўриб ваҳимага тушган кишининг фарзандлари, набиралари бугун мураккаб машина-аппаратлардан тортиб қудратли ҳаво лайнерларигача ишлаб чиқаряпти. Гап Ўзбекистоннинг, Тошкентнинг саноати устида кетяпти. Республикамиз саноати маҳсулоти дунёнинг юздан ортиқ чет мамлакатларига экспорт қилинаяпти. Ҳолбуки, Октябрь инқилобидан олдин Туркистон ўлкасига оддий бир нина ёки мих ҳам чет элдан келтирилар эди...

Бу қудратли саноатни ҳаракатга келтираётган маҳаллий миллат вакиллари орасида юзлаб, минглаб ишчи оилаларни, ишчи сулолаларини ҳам кўришимиз мумкин.

Оиланинг барча аъзолари — ишчилар. Бир корхонанинг ишчилари! Ана шундай оилалардан бири — Усмоновлар оиласи.

...Умар аканинг болалиги уруш йилларига тўғри келди. Аниқроғи уруш унинг бахтиёр болалигини тортиб олди. Ишлаб оилага ёрдам бериш, бир бурда нон топиб келиш мақсадида «Ташгранмаш» (ҳозирги «Компрессор») заводига борганида ўн олти ёшда эди.

— Нима, иш қилмоқчисан, ўғлим? — сўради ундан тахта тўсиқнинг нариёғида ўтирган қўнғир сочли аёл.

— Майли, энг оғир ишни беринг менга, фойдам кўп тегадиган жой бўлсин.

Умар ака бу жавобидан сўнг рўй берган манзарани, ўрта ёшлардаги ўша аёлнинг чеҳрасини сира ёдидан чиқармайди. Боядан бери «болакай» деб ширин муомала қилиб турган ходима унинг жавобидан сўнг ялт этиб қаради-ю, бир зум «болакай»нинг кўзларига тикилиб қолди. Сўнг... лабларига ҳазин табассум югурди, кўзларига ёш қалқди. У ёзиш баҳонасида кўзларини «болакай»дан яширди...

Умар металл қуювчига шогирд тушди. Бир-икки ҳафтадан кейин мустақил ишлай бошлади. Цехда ўн беш ўн олти соатлаб қолиб кетишарди. Бироқ, бу ҳеч кимга оғир ботмасди. Чунки улар ўзлари ишлаб чиқараётган металлнинг ҳар бир парчаси малъун фашистнинг кўкрагига бориб санжилажагини яхши билишарди.

Умар Усмонов ёши етгач, 1942 йилда кўнгилли бўлиб фронтга жўнади.

1947 йилда соғ-омон Тошкентга қайтгач, яна қадрдон корхонасига йўл олди. Шу бўйи 33 йилдан ортиқ ўша ерда, ўша касбда — қуювчи касбида ишлади.

...Пенсияга кузатиш маросими коллектив учун ҳам оғир, ҳам мароқли бўлди.

— Сизнинг ўрнингизга тажрибали қуювчи керак,— дейишди унга завод раҳбарлари.

— Мана тажрибали қуювчи, — деди Умар ака ўртанча ўғлини кўрсатиб.

Умар ака бригадир эди.

— Бригадирликка коммунист бўлиши керак, — дейишди.

— Мана шу коммунист, — деди Умар ака яна ўша ўғлини кўрсатиб.

Ҳамма завқланиб кулиб юборди...

— Яшанг, Умар ака, — деди завод партия комитетининг секретари уни бағрига босиб, — ўринбосарнинг зўрини тайёрлабсиз.

Борис Усмонов отасининг ўрнида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Унинг шу заводдаги меҳнат стажининг ўзи йигирма йилга яқинлашиб қолди. Умар ака фронтда бир ўлимдан қолган — командири Борис уни ажал чангалидан тортиб олган эди. Ғалаба билан омон-эсон юртимга қайтсам, турмуш қилиб, ўғил кўрсам исмини Борис қўяман дея эзгу ният қилган эди. Ниятига етди...

Ўғли Баҳодир эса 1965 йилда ҳунар-техника билим юртини тугатиб дурадгорлик касбини эгаллади. Бироз муддат қурилиш ташкилотида ишлади, лекин уни отасининг заводи, ота касб оҳанрабодек ўзига чорлайверди.

Баҳтиёр ҳам кўп ўйлаб ўтирмади. Бундан олти йил муқаддам армиядан келди-ю, тўғри компрессор заводига борди.

— Металл қуювчи бўлмоқчиман.

— Бу оғир ва масъулиятли иш — дея огоҳлантирмоқчи бўлишди уни кадрлар бўлимида.

— Биламан, — деди Баҳтиёр, — отам шу ерда қуювчи бўлиб ишлаган.

— Ия, Умар аканинг ўғлимисан?!

...Шундан буён Баҳтиёр металл қуювчи.

Тўртинчи ўғли Дониёр Баҳодир акасининг касбини эгаллади — дурадгор. «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаяпти.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ОКТЯБРЬ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

ҲАЁТИМИЗ ҚАДРИ

Яқинда архивимдаги ҳужжатларни варақлаб ўтириб, кўзим Қўқон шаҳридаги истироҳат боғи тасвирланган фотосуратга тушди. Суратни кўрдиму, дарров бўлиб ўтган бир воқеани эсладим.

Ўшанда чамаси ўн-ўн бир ёшларда эдим. Ўйинқароқлик қилиб, уч-тўрт тенгдошларим билан шу боққа кириб қолибмиз. Кейин билсам бу ерга оддий меҳнаткашларнинг берухсат киришлари ман этилган экан. Полициячилар бизни ушлаб олиб 20 даррадан уришди. Шу-шу боққа яқинлашмайдиган бўлдик...

Бу меҳнат аҳлининг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача инсон сифатида камситилганлигини, ҳақ-ҳуқуқсиз бўлганлигини кўрсатувчи оддий бир мисолдир, холос. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Октябрь қуёши нур сочди-ю, камбағаллар бағрига ҳам офтоб тегди.

Мен Тошкентда қизил командирлар билим юртини тамомлаб, тезда Фарғона водийси томон йўл олдим. У ерда Ислом қўрбоши, Омонқулбон қўрбошиларни тугатишда қатнашдим. Оловли йилларда Коммунистик партия сафига кирдим. Кейинчалик Осиповнинг контрреволюцион исёнини бостирдик. Закаспий фронтида оқ гвардиячиларни тор-мор келтирдик.

Машаққатли курашлар эвазига янги ҳаёт қурдик. Бу ҳаётда ҳаммамиз ўз орзу-умидларимизга етаяпмиз. Шундай экан, уни ҳамиша қадрлашимиз керак.

Нишон РИЗАЕВ,
1918 йилдан партия аъзоси, Граждан ва Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

МУҚАДДАС МАВЗУ

Зиннат ФАТХУЛЛИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Мен саксон ёшга қадам қўйдим. 1903 йилда — асримиз бошида ҳозирги Горький областининг Митраули қишлоғида туғилганман. Октябрь инқилоби бошланганда ўн тўрт яшар ўспирин йигитча эдим. Инқилоб мени янги бахтли ҳаётга етаклади. Бўлмаса тубанликда қолиб кетардим. Янги замон менга билим берди, қўлимга қурол ва қалам олиб, уни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашдим. Ўқиб, мураббий бўлдим, партия органларида ишладим. Ҳамма вақт омма ичида эдим. Унинг бахт-саодати, қийинчилик ва муваффақиятлари мени ижод майдонига чорлади. Ярим аср муқаддам Ўзбек совет драматургияси даргоҳига қадам қўйдим. Адабиётимиз ва театр санъатимизнинг асосчилари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Маннон Уйғур суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, улардан саҳна «сир»ларини ўрганиб, пьесалар ёздим. Шундан кейин бутун ҳаётим бадиий ижодиёт йўлидан борди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда биринчилар қаторида фронтга отландим. Йигитлик чоғимда қурол тутган қўлларимга яна қурол олдим. Душманга қарши жангларда қатнашдим. Ватанимиз қаҳрамонлари ҳақида йирик бадиий асарлар, киносценарийлар ёздим.

Мен бахтли ҳаёт фарзандиман. Улуғ саксон ёшимда она диёримиз жонажон адабиётимиздаги камтарона хизматимни эътиборга олиб, мени «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» деган юксак унвонга мушарраф этди. Мен бу катта ишончни оқлаш учун ўзимни ижод майдонида бардам сезиб, халқимизга муносиб асарлар ҳадя этиш орзусидаман. Буюк Октябрь инқилоби байрами қунида, гулгун ҳаётимиз янада гўзал, дунёда доимо тинчлик ва осойишталик бўлсин дейман.

ОНАМАН, БАХТИЁРМАН!

Октябрь нур сочган йили дунёга келдим. Коллективлаштириш, саводсизликни тугатиш, дастлабки беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши, тинч қурилиш йиллари ҳаммаси ёдимда.

20-йиллар қанчалар оғир эди. Коммунистик партия раҳбарлигида доҳий Ленин васиятлари амалга оширилди. Қашшоқ, саводсиз ўлка бой ва билимдон юртга айланди. Мана, бизнинг оиламизни олайлик. Ота-онам инқилобгача алифни калтак дейишни билишмаган. Менинг эса 11 фарзандимдан беш нафари олий маълумотли. Исроил — Сирдарё область трансэкспедициясининг бошлиғи. Султон — Жиззах область маданият бошқармасининг бошлиғи, Мурод — «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли 9-ОРС бошлиғи, Ғанижон — ОРСда инженер-технолог. Қизим Сайёра — врач. Қолган фарзандларим эса техникум ва билим юртларини тугатишган. Қурувчи, ўрта медицина ходими ва бошқа турли касбларни эгаллашган.

Улар йигилган куни уйимиз тўйхонага айланиб кетади. Турмуш ўртоғим, Улуғ Ватан уруши инвалиди Халил Иброҳимов билан фарзандларимизнинг бахту-иқболини кўриб қалбимиз нурга тўлади. Бу нурни аслида Советлар юрти, Октябрь инқилоби берган. Юртимдан, давримдан, иқболимдан ўргилай.

Пўлатой ҲОШИМОВА,
Қаҳрамон она, Чиноз.



Коммунистик партиямизнинг шонли ветеранлари Октябрь революциясини амалга оширишда, Ленин ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда чексиз фидойилик кўрсатганлар. Улар бугунги кунда ҳам сафдадирлар, ёшларни шонли революцион анъаналар руҳида тарбияламоқдалар. Суратда: партия ветеранларидан бир группаси (чапдан ўнгга) К. Худойберганов, Г. К. Хорев, А. И. Милоградов, М. Исломова, Б. Т. Мирбобоева, Ч. Иброҳимовалар.

В. Портнов фотоси.

ҚУТЛОВЛАР, ИСТАКЛАР, ҲАЗИЛЛАР



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, СССР Фанлар академиясининг Гагарин медали кавалери Восил ҚОБУЛОВга

Фан — ҳазина, калити—
Сиздек олим қўлида,
Хизматингиз оламшумул
кибернетика йўлида,
Изланишнинг поёни йўқ,
ҳамон режалар катта,
АСУларни яратасиз,
янгиларин албатта.



Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи, донгдор пахтакор Гулой ТУЛЕПБЕКОВАга

Ҳамма ёқда шов-шув гап,
Ҳой, нима дейсан Гулой
Планини уддалаб,
Ишига қўшди чирой.
Ўзи жуда ёш экан,
Ёш бўлса ҳам бош экан,
Ғўза билан тиллашар,
Ер унга сирдош экан.



Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоир Эркин ВОҲИДОВга

Палаткада ёздингиз
достон,
Кўчирдингиз неча бор
оққа,
Истагимиз энди космосдан
Шеърлар учсин «Шарқий
қирғоқ»қа.
Ажаб эмас, шулардан
бири,
Юмшоқ қўнса бизнинг
газета
Ҳарфларин йиркироқ
териб,
Берар эдик биринчи бетга.



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР академик Катта театрининг етакчи солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, опера бўйича Рио-де-Жанейрода ўтган Бутуниттифоқ ва бутунжаҳон конкурсларининг лауреати — олтин медаль кавалери, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Исмоил ЖАЛИЛОВга

Францияда куйлади
қўшиқ,
Италияда янгради олқиш,
Кубаликлар ҳар сафар
жўшиб,
Қутлашади уни ёзу-қиш.
Танир уни поляк ва
румин,
Бразилия ҳар йили
пойлар,
Ўзимизнинг қишлоқлар
лекин,
Учратолмас йиллаб
ва ойлаб.



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институти кўз касалликлари кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор Муҳтарам ҲАМИДОВАга

Сиз нажот бергач оламга
қайта боқар қаро кўзлар,
Қўлингизда шифо топиш
нурга ташна яро кўзлар,
Заргардан ҳам ортиқ ноёб,
нозик санъат эгасисиз,
Даво топиш ниятингиз —
Сиздадир муддао кўзлар.



Югославиядаги халқаро турнирда халқаро гроссмейстер номини олган Ўзбекистон шахматчиси Георгий АЪЗАМОВга

Туғилганда танглайини,
Шахмат билан
кўтардилар.
Силаб-сийпаб манглайини,
Ундан ютуқ кутардилар.
Шундан буён ўйга толиб,
Сурар фарзин, суради от,
Рақибин минг кўйга
солиб,
Ва охири қилади мот.



Тошкент районидаги Навоий номли колхоз сут соғувчиси Раъно ҚОЗОҚОВАга.

Фермада юлдуз,
Тинмайин кеча кундуз,
Навбат мажбуриятга деб,
Ўз касбига берар зеб.
Сут булоғин тошириб,
Ҳурматини ошириб,
Ишда ғолиб ҳар сафар,
Унга ёр бўлсин зафар.

Санд ВАЛИ.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ЕРУҒ ЮЗ БИЛАН ТЎЕНА

⊙ **БЎКА.** «Коммунизм» колхозининг Уроқбой Ақилбоев бошлиқ бригадаси аъзолари Улуғ Октябрь байрамини муносиб тўёна билан кутиб олишди. Мавжуд 80 гектар ерда бу йилги қийин об-ҳаво шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштириб, она—Ватанга 384 тонна «оқ олтин» армуғон этишди. Бу билан эса зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 48 центнерданга тўғри келди. Бригада коллективининг бу меҳнат муваффақиятига «пўлат от» суворийси Аввалбек Ақилбоев ўзининг муносиб улушини қўшди. У «зангори кема» бункеридан ҳирмонга 263 тонна пахта тўкди.

Пахтакорлар республика партия ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолларигача қолдирмай йиғиштириб олиш учун курашишмоқда.

ҚЎШИМЧА — 300 ТОННА

⊙ **ОҚҚЎРҒОН.** Вотинцев номли колхоз меҳнаткашлари ҳам байрам арафасида дастлабки довондан ошишди. Мавжуд 1375 гектар майдондан 32 центнердан пахта ҳосили олинди. Давлатга сотилган 4427 тонна «оқ олтин»нинг 80 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Жами пахтанинг 3850 тоннаси эса машиналар ёрдамида терилди. Ленин ордени нишондори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Абдували Расулматов, Турдихол Шоназарова ва Йўлчи Кенжаевлар бошлиқ бригада миришкорлари юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Хўжаликда пахта йиғимтерими давом эттириляпти. Деҳқонлар қабул пунктларига яна 300 тонна хом ашё етказиб бериш учун курашни авж олдиришган.

БЕШ КУНЛИК ҒОЛИБЛАРИ

⊙ **КОММУНИСТИК.** Район хўжаликлари ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақанинг ноябрь ойи биринчи беш кунлиги бўйича Свердлов номли колхоз ғолиб деб топилди. Бу хўжаликда беш кун мобайнида йиллик планнинг 3,13 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришилган. Шунингдек, ҳашарчилар ўртасида ўтказилаётган мусобақада райондаги ихтисослаштирилган тажриба ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳашарчилар бригадаси пешқадам бўлди. Беш кун мобайнида бу бригада аъзолари 4,5 тонна пахта тердилар. Жумабозор пахта пункти коллективи ҳам сўнги беш кунликда энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги туфайли социалистик мусобақа ғолиби бўлди.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 6 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

БЎКА	0,08	105,82	—	105,39
КОММУНИСТИК	0,15	105,82	—	110,19
Оққўрғон	0,34	99,42	0,46	100,30
Пискент	0,17	99,19	—	69,52
Бекобод	0,25	96,89	—	67,55
Ўрта Чирчиқ	0,20	96,50	0,05	83,45
Чиноз	0,45	90,81	0,51	65,66
Ғалаба	0,15	87,11	0,03	68,07
Янгийўл	0,60	80,00	0,91	51,82
Область бўйича:	0,24	96,28	0,16	81,70

САНЪАТ ОЛАМИДА

РЕВОЛЮЦИЯ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

5 ноябрь куни Навоий номли театр премьерасини кўрсатган «Суронли кунлар» операси саҳна майдончасидагина эмас, шу билан бирга Тошкентдаги Октябрь революциясини номли заводнинг цехлари, музейида ҳам вужудга келди. Музика ва либретто автори Б. Бровцин билан ёзувчи Н. Умеров айни шу ерда партия ва меҳнат ветеранлари билан суҳбатларда, архив материалларида асарнинг қаҳрамонларини топдилар, сюжет йўналишини вужудга келтирдилар.

Операнинг асосий қаҳрамони большевик ишчининг қизи — Вера Степанова образи ҳаётдан олингандир. 1917 йилнинг суронли кунларида у ўртоқлари билан бирга варақалар тарқатар, бош темир йўл устахоналари (ҳозир Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонт заводи) ишчиларининг революцион отрядларини жангга бошлардн. Бу завод ҳақли равишда Ишчи қалъаси деб аталганди.

Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри санъат усталари билан корхона меҳнаткашларининг ҳамдўстлиги анъанавий бўлиб қолди. Улар коммунистик шанбаликларда бирга қатнашмоқдалар, театрнинг бадиий кенгашида завод вакиллари ҳам бор. Ремонтчилар ижодкор коллектив янги спектаклининг биринчи томошабинлари бўлдилар.

Спектаклни театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. Сафаров саҳналаштирди. Бош ролларни В. Григорьева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Т. Ҳусанов, Л. Пинҳасов ижро этдилар.

...7 ноябрь куни яхши анъанага кўра завод гудоги тонг сокинлигидан дарак беради. Ёқаларига қизил лента тақкан ишчилар намойишга чиқадилар, кечқурун эса уларнинг кўплари Катта театрдаги байрам концертига борадилар. Улар бу театрни ўз театримиз деб атайдилар.

О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЖОНАЖОН ДИЁР КУЙЧИСИ

СССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг асарларида ўзбек диёрининг гўзаллиги, жонажон ўлка ва унинг одамлари тараннум этилади. Ҳозир Москвада Раҳим Аҳмедов асарлари виставкаси зўр муваффақият билан ўтмоқда. Виставка рассомлар Марказий уйида очилган.

— Москва томошабинлари Раҳим Аҳмедов ижоди билан илгаридан таништирдилар,— деди СССР Рассомлар союзи правлениесининг биринчи секретари Танр Салахов.— 1968 йилда бу ерда унинг асарлари экспозицияси намойиш қилинган эди. Ўша йилларда ёркин, ўзига хос истеъдод камол топди. Шу пайтдан бери рассом ўз маҳоратини такомиллаштирди ва ривожлантирди. У СССР тасвирий санъат академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланганлиги ва унга СССР халқ рассоми унвони берилганлиги рассом ҳизматларининг эътироф этилишидир.

Анъаналар ва новаторликни бирга қўшиб олиб бориш — рассом санъатининг ўзига хос хусусиятидир. Унинг асарларида мазмун ва образларнинг экзотик хусусияти, турмушнинг этник жиҳати эмас, балки рассом чуқур ўрганиб, акс эттирган халқ характери, халқ ҳаёти эътиборни ўзига жалб этади. Звено бошлиғи А. Тоштемиров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Умрзоқовнинг портретлари ва колхозчилар портретлари худди шу тарзда акс эттирилган. Замонавийлик — Аҳмедов ижодида асосий ўринни эгаллайди.

ТАСС—ЎзТАГ мухбири.
Москва.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН КОНЦЕРТЛАР

Бекобод райони маданият уйининг агитбригадаси биринчи бўлиб социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Ленин номли колхоз меҳнаткашларига концерт қўйиб берди. Ҳаваскор артистлар репертуарида жаҳон халқларининг қўшиқлари ва рақслари, иттифоқдош республикалар композиторларининг асарлари бор.

Терим кунларида Тошкент область хўжаликларида 140 та агитбригада пахтакорлар учун концертлар қўйиб беради.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ САНАСИНИНГ ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

● СОФИЯ. Бу ерда Болгария пойтахти жамоатчилигининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 66 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг раиси Т. Живков, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг раиси Г. Филипов ҳозир бўлдилар.

Йиғилишда БКП Марказий Комитетининг секретари С. Михайлов нутқ сўзлаб, Улуғ Октябрь жаҳонни революцион асосда ўзгартиришга, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлатини барпо этишга асос солди, деб таъкидлади. Октябрь ғалабаси — ленинча назариянинг, синфий кураш стратегияси ва тактикасининг тантанасидир. КПССнинг, бошқа қардош коммунистик партиялар кўп қиррали фаолияти натижасида бугунги кунда Ленин таълимоти бойиб, ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон социализм системаси — Ер юзида тинчлик ва социал тараққиётнинг асосий таянчидир. Бироқ, империализм, аввало Америка империализми абадий қўлдан бой бериб қўйилган тарихий ташаббусни қайтариш умидидан воз кечгани йўқ. Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлини империализмнинг инсонга нисбатан нафрат сиёсатига қарама-қарши қўймоқдалар. Бу йўл СССРнинг кўпгина тинчлик ташаббусларида, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Прага Сиёсий декларациясида, социалистик мамлакатлар раҳбар партия ва давлат арбобларининг қўшма баёнотида тасдиқланди, деди нотиқ.

● ПРАГА. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини нишонлаш юзасидан Чехословакия пойтахтидаги Ольшан қабристонида Прагани озод қилган совет жангчилари ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Бу маросимда ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак, республиканинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

Братиславадаги Славин тепалигида ҳалоскор совет жангчилари ёдгорлиги пойига ҳам гулчамбарлар қўйиш маросими бўлди. Маросимда ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ленард, республиканинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг марказий органи «Нью Эйж» газетасининг бош мақоласи «Қизил Октябрни табриклаймиз» деб аталади. Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Янги жамиятнинг вужудга келишини билдирди, деб ёзади газета.

Турли соҳаларда жуда катта муваффақиятларга эришган СССР бугунги кунда қудратли давлат, мазлум халқлар учун машъал бўлиб қолди.

Совет давлати ўзи ташкил этилган дастлабки кунларданоқ уруш даҳшатларига қарши курашмоқда. АҚШ империализми планетани ядро фалокати ёқасига келтиришга уринаётган ҳозирги пайтда СССР қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланишга, халқаро кескинликнинг юмшатилишини ва тинчтотув яшашни таъминлашга қаратилган конструктив ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу таклифлар бутун дунёдаги тинчликсевар кучларга умид бағишламоқда, уларнинг ядро уруши оловини ёқувчиларнинг ҳийла-найрангларига қарши олиб бораётган курашини кучайтиришга ёрдам бермоқда.

● ПЕКИН. Чет мамлакатлар билан дўстлик Хитой халқ жамиятининг раиси Ван Биннань ва Хитой-Совет дўстлиги жамиятининг раҳбарлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги муносабати билан қабул маросими ва кино кўргазмасини ўтказдилар. Қабул маросимида ХХР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Цянь Цичэнь, Пекин жамоатчилигининг намояндалари иштирок этдилар. Машҳур Хитой ёзувчиси Чжоу Эрфу совет халқини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги билан жамиятлар номидан қутлади, совет халқига янги муваффақиятлар тилади. СССРнинг ХХРдаги элчиси И. С. Шчербаков жавоб нутқи сўзлади.

● МАНАГУА. Никарагуа пойтахтида жамоатчиликнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилишда сиёсий партиялар, касаба союзлари, социалистик мамлакатлар билан дўстлик Никарагуа уюшмасининг вакиллари иштирок этдилар.

Сандиночилар миллий озодлик фронти раҳбарлигининг аъзоси Дора Мария Тельес сандиночилар миллий озодлик фронти номидан КПССни, СССР ҳукуматини ва халқини табриклади. Октябрь революцияси, деди у, асримизнинг буюк воқеаси бўлди. Россия пролетариатининг ғалабаси жаҳонни тубдан ўзгартириб юборди, дунёдаги барча халқларга социал озодлик йўлини кўрсатиб берди.

Улуғ Октябрь санасини байрам қилиш доирасида Манагуада СССР фильмлари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик давомида томошабинлар совет кино санъатининг тарихи ва бугунги куни билан танишишлари мумкин бўлади.

(ТАСС).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 НОЯБРЬ 15.00 да

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

«ГУЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Олмахон ҲАЙИТОВА,

Отамурод БЕКЖОНОВ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Олимжон ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Муножот ЙЎЛЧИЕВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Доно ШОРАҲМЕДОВА, Комилжон ИСКАНДАРОВ, Жамила ЙЎЛДОШЕВА, Эгамберди ЕҚУБОВ, Робия ОЛИМЖОНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради.

«ГУЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Олмахон ҲАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Шавкат МУҲАМЕДОВ

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Гулсара ЁҚУБОВА

солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Ўктам АҲМЕДОВ, Фируза СОЛИҲОВА, Фируза МИРҲАМИДОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Раъно ЖУМАНИЕЗОВА Нурилла ЖУМЕЗОВ ва бошқалар

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Тожиддин АБДУВОҲИДОВ олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Музика раҳбари — Асқарали ҲИДИРОВ.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИҚ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти

Гулшод ОТАБОЕВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати

Анвар РУСТАМОВ

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Раҳима НОСИРОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Хотам ҲОЖИЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ»

«СУВ ЖОЗИБАСИ» АТТРАКЦИОНИ

(икки бўлимда)

Раҳбар: РСФСР халқ артисти, халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслари лауреати, Европа ва халқаро «иллюзиончилар лигаси»нинг юксак мукофоти «Сеҳрли тилла таёқча» совриндори

Илья СИМВОЛОКОВ

Москва цирки масхарабозлари Зиновий МАЛКОВ ва Александр ТРЯПИЦИН донмо хизматда.

Томошалар 7/XI да, 12, 16, 19.30 да, 8/XI да 10, 13, 16.00 да, 9/XI да 12, 15.00 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/XI да **Байрам концерти**, 8/XI да **Байрам концерти**, 9/XI да **Этик кийган мушук** (12.00), **Севги ҳақида афсона** (19.30).

«Ташоблгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма бош инженери Ю. А. Пешковга онаси

Серафима Тимофеевна ПЕШКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 03261 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1710.